
БАҒДОДДА БОҒЧА БИНОСИ “ОБОД ҚИШЛОҚ” ДАСТУРИ ДОИРАСИДА ТАЪМИРЛАНДИ

Бағдод туманининг “Дашт” маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудида жойлашган 34-сонли Давлат мактабгача таълим ташкилоти “Обод қишлоқ” дастури доирасида таъмирдан чиқарилиб, замонавий қиёфага келтирилди.

Бунинг учун давлат бюджетидан 341 миллион сўм маблағ сарф этилди. Дастур доирасида янги ошхона биноси қурилди, маънан эскирган эшик ва ромлар янгисига алмаштирилди, чегара деворлари тўлиқ таъмирланди ва хоналарнинг пол қисми тўлиқ янгиланди.

Янгича кўриниш олган мактабгача таълим ташкилотида 4 та гуруҳ шакллантирилиб, 120 нафар бола қамраб олинди.

Вилоят мактабгача таълим бошқармаси ахборот хизмати

Бизни ижтимоий тармоқларда кузатинг [Facebook](#), [Telegram](#), [Facebook](#), [YouTube](#), [Instagram](#)

2022-10-05 10:58:00